



ҚАРАРЫ

Нөмірі: 121

« 23 » февраль 2018 й.ж

Нөмірі: 121

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил
14 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим
қарорларига ўзgartиришлар киритиш, шунингдек, баъзи қарорларини
ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида”ги 109-сонли қарори
ижросини таъминлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил
14 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига
ўзgartиришлар киритиш, шунингдек, баъзи қарорларини ўз кучини йўқотган
деб ҳисоблаш тўғрисида”ги 109-сонли қарори ижросини таъминлаш
мақсадида, Вазирлар Кенгаши қарор қилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил
14 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига
ўзgartиришлар киритиш, шунингдек, баъзи қарорларини ўз кучини йўқотган
деб ҳисоблаш тўғрисида”ги 109-сонли қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул
қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарори
билан:

а) Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг иловага мувофиқ айрим
қарорларига ўзgartиришлар киритилганлиги;


б) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Илмий-
тадқиқот фаолиятини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни
тақомиллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш тўғрисида»ги
2017 йил 19 майдаги 302-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ,
2017 йил, 21-сон, 395-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисобланганлиги
маълумот учун қабул қилинсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг айрим
қарорларига иловага мувофиқ ўзgartиришлар киритилсин.

4. Тегилли вазирликлар ва илоралар ўзлари қабул қилган норматив-
ҳуқуқий ҳужжатларини ўн кун мудатда ушбу қарорга мувофиқлаштирисин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Қорақалпоғистон
Республикаси Вазирлар Кенгаши Рансининг ўринбосари
Б.Ҳабибуллаев зиммасига юклансин.

Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгашининг Рансин



Қ.Сариев

Қорақалпоғистон Республикаси

Вазирлар Кенгашининг

2018 йил « _____ » мартдаги

_____ -сон қарорига

иллова

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг айрым қарорларига киритилган ўзгаришлар

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2017 йил 1 август кунги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 10 майдаги «Жамият саломатлиги ва соғлиқни сақлашни ташқил этиш илмий-тадкикот институти фаолияти тўғрисида»ги 266-сонли Қарорининг ижросини таъминлаш ҳақида»ги 545-сонли қарорининг 2-банд, е-кичик банди учинчи хатбошидаги «Фан ва технологиялар агентлиги» сўзи «Инновацион ривожланиш вазирлиги» сўзи билан алмаштирилсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2017 йил 5 август кунги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 31 июлдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида дерматовенерология хизматини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 563-сонли Қарорининг ижросини таъминлаш ҳақида»ги 553-сонли қарорининг 2-банд, в-кичик банди учинчи хатбошидаги «Фан ва технологиялар агентлиги» сўзи «Инновацион ривожланиш вазирлиги» сўзи билан алмаштирилсин.

